

# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ — ОСИЁНИНГ ЙИЛ ОДАМИ

Банк ходимлари ва тadbиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 52 (1179), 2018 йил 27 декабрь

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ — ОСИЁНИНГ ЙИЛ ОДАМИ

“Халқ сўзи” газетасида ёзилишича, штаб квартираси Сеулда жойлашган Осие журналистлари ассоциацияси (ОЖА) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни “2018 йил одами” деб эълон қилди.

Мамлакатимиз раҳбари сиёсий йўналиш бўйича ғолиб, деб эътироф этилди.

Ассоциация вакиллари таъкидлаганидек, Шавкат Мирзиёев 2016 йил декабрда Ўзбекистон Президентини лавозимига киришганидан то ҳозирги вақтгача инсон ҳуқуқларини таъминлаш, иқтисодий ислохотларни амалга

ошириш, очиқ сиёсат юритиш, шу жумладан, сиёсий маҳбусларни озод этишда юксак натижа кўрсатиб келяпти.

“The Korea Times” хабарига кўра, Ўзбекистон раҳбари кўшни давлатлар билан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ҳолда, Марказий Осиеда тинчлик-тотувликни асрашга катта ҳисса қўшмоқда.

Бошқа йўналишлар бўйича “LG Group” фахрий раиси Ку Бон Му, мисрлик таниқли кардиожарроҳ Маҳди Ҳабиб Ёқуб, футбол бўйича Вьетнам терма жамоаси мураббийи Пак Хан Со қайд этилди.

Ғолиблар номлари махсус ҳакамлар томонидан минтақанинг ҳар бир давлати вакиллари ва ассоциация аъзолари тавсиялари ҳамда баҳоларидан сўнг аниқланди. Хабар берилишича, тақдирлаш маросими 2019 йилнинг баҳорида ассоциация бош ассамблеясида бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи суверен рейтинг халқаро Fitch Ratings компанияси томонидан эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистоннинг миллий ва хорижий валютадаги узоқ муддатли дефолт рейтинги “BB-” ва қисқа муддатли дефолт рейтинги – “B” (барқарор) деб баҳоланди.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ СУВЕРЕН РЕЙТИНГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



Мамлакат макроиқтисодий барқарорлик ва ўсишни таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар дастурини амалга оширишни бошлаган, дейилади хабарда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборот хизмати маълумотида қайд этилишича, йил охиригача Standard & Poors агентлигининг ҳам рейтинг баҳоси кутилмоқда.

Жорий йил февраль ойида Ўзбекистон ҳукумати етакчи учта агентлик — “Moody’s”, “Standard & Poors” ва “Fitch Rating”нинг иккитасидан кредит рейтинги олгандан сўнг халқаро фонд бозорига илк бор евробондларни жойлаштириши мумкинлиги ҳақида маълум қилинганди.

Рейтингларни олгандан сўнг Ўзбекистон банклари ҳам хориждан янада паст ставкаларда маблағлар жалб этиш имконига эга бўлади. Шунингдек, корхоналарнинг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари ортади. Маҳаллий ва халқаро компаниялар учун фонд бозорларида янги истиқболлар очилади. Бу эса, ўз навбатида, халқаро капитал бозорига чиқишни енгиллаштиради.

ЎЗА



## МАРКАЗИЙ БАНК ТАЛАБАЛАР УЧУН МАХСУС СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Республика Марказий банки пойтахтимизда жойлашган олий ўқув юртларининг банк иши, иқтисодиёт, банкларда бухгалтерия ҳисоби, макроиқтисодиёт, статистика ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича бакалавриатуранинг кундузги бўлими охириги икки курси ҳамда магистратуранинг 2-курсда таълим олаётган талабалар учун ЭКИҲнинг 3 бароваридан кам бўлмаган миқдорда махсус стипендия танловини ўтказди.

Унга кўра, 2018–2019 ўқув йили учун Марказий банк стипендияси келгуси йилнинг 1 февралидан бошлаб тайинланади. Танловга ҳужжатлар 2019 йилнинг 1-15 февраль кунлари қабул қилиниб, уларни кўриб чиқиш ва танлов муддати келгуси йилнинг 16 февралдан 1 мартгача давом этади.

Мазкур стипендия ҳар йили бир ўқув йили учун сентябрь ойидан бошлаб белгиланади. Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2-15 сентябрь, кўриб чиқиш ва танлов муддати эса 16 сентябрь – 1 октябрь кунлари бўлиши кўзда тутилмоқда.

Марказий банк стипендиясини тайинлаш учун қуйидаги асосий мезонларга эътибор қаратилади:

– ўқув жараёнида (сўнги семестр натижаларига кўра) юқори рейтинг

кўрсаткичига эга бўлиши;

– давлат тили, рус тили ва битта хорижий тилни мукамал билиш талаб қилинади (IELTS/TOFFL сертификатига эга бўлган номзодлар инглиз тили тест синовидан озод этилади);

– иқтисодиёт ва ахборот технологиялари бўйича халқаро ёки республика олимпиадаси ғолиби ёки совриндорига устуворлик берилади.

Таъкидлаш жоизки, стипендиатлар ўз хошияига кўра, олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг банк тизимига ишга жойлашишлари ва Марказий банкка ишга кирган тақдирда, тегишли халқаро молия институтларига тажриба алмашиш ва мутахассислик бўйича магистратура ёки PhD йўналиши бўйича ўқиш учун хорижга умумий танлов асосида юборилиши мумкин.

cbu.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири сифатида республика олтин-валюта захираларини сақлаш ва бошқариш белгиланган.

Олтин-валюта захираларини ҳисоблаш методикаси Халқаро валюта жамғармасининг стандартлари асосида юритилади. Олтин-валюта захираларининг таркиби хорижий валюта активлари ва қўйма шаклдаги монетар олтиндан иборат.

Соф олтин-валюта захиралари тижорат банклари ва давлат бошқаруви органларининг (Молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бундан мустасно) Марказий банкда очилган ҳисобварақларидаги валюта маблағларини, яъни Марказий банкнинг ушбу ташкилотлар олдидаги мажбуриятларини ҳисобга олмайди.

Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захиралари млн. АҚШ долларларида

Кўрсаткичлар	01.01.2018	01.04.2018	01.07.2018	01.10.2018	01.11.2018	01.12.2018
1. Ялпи олтин-валюта захиралари	28 076,9	28 494,0	27 660,5	26 407,3	26 494,1	25 983,0
1. Хорижий валютадаги активлар	14 042,8	14 517,2	13 818,3	12 454,4	11 846,1	11 016,0
2. Монетар олтин	14 034,1	13 976,8	13 842,2	13 953,0	14 648,0	14 966,9
II. Соф олтин-валюта захиралари	26 567,5	27 086,7	26 648,9	25 494,5	25 716,4	25 291,7

Изоҳ: Жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида олтин-валюта захираларининг камайиши қисман олтин нархининг 1296,50 дан 1220,45 долл/тр.унцияга пасайиши

ҳисобига юзага келди. (Нархнинг олтин-валюта захираларининг камайишига таъсири – 823,2 млн.долл.)

cbu.uz





**Жорий йил давомида Самарқанд вилоят тижорат банклари томонидан олиб борилаётган тизимли чоралар натижасида вилоят банклари иқтисодиёти сезиларли даражада ўсди. Банк активлари йил бошига нисбатан 1,5 баробарга ўсиб, 9,8 трлн. сўмни, кредит портфели ҳажми эса йил бошига нисбатан 1,8 баробарга ошиб, 7,4 трлн. сўмни ташкил этди.**



## ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР

Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, оилаларни, айниқса ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида вилоят банклари томонидан мингдан ортиқ фуқарога овердрафт кредитлари учун 13 млрд. сўмдан, олти мингдан ортиқ мижозга эса микроқарзлар учун 65 млрд. сўм, истеъмолад кредитлари учун эса 34 000 ортиқ мижозга 286 млрд. сўм, 3400 нафардан ортиқ мижозга автокредитлар учун 240 млрд. сўм, 3400 нафардан ортиқ мижозга 425 млрд. сўмдан ортиқ ипотека кредитлари ажратилгани вилоят аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга оз бўлса-да, хизмат қилди.



Бу эса, ўз навбатида, кўплаб давлат дастурларини молиялаш имконини берди. Жумладан, жорий йилда худудларни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларга тижорат банклари ҳамда чет эл молия институтлари кредит линиялари ҳисобидан 2,9 трлн. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Шундан, sanoat ишлаб чиқариши учун 1,6 трлн. сўм, қишлоқ хўжалиги соҳаси учун 1,2 трлн. сўм, хизмат кўрсатиш соҳаси учун 100 млрд. сўмдан ортиқ йўналтирилди. Бу маблағлар, шубҳасизки, вилоят иқтисодиётининг юксалишига хизмат қилди.

Sanoat zonalarini rivoji uchun йўналтирилаётган маблағлар тез фурсатда ўз самарасини бермоқда. Мисол учун, «Ургут» эркин-иқтисодий зонасида фаолияти йўлга қўйилган 22 та ишлаб чиқариш лойиҳаларига 74,7 млрд. сўм ажратилиб, янги корхоналарга асос солинди. Шунингдек, Президентимизнинг жорий йил 16 мартдаги «Самарқанд вилоятида кичик sanoat zonalarini tashkil qilish chora-tadbirlari tўғрисида»ги қарори билан 53,1 гектар ер майдонида вилоятнинг 12 та туманида ва 2 шахрида жами 14 та кичик sanoat zonalarini tashkil etildi. Mazkur kichik sanoat zonalarida 84 та ташаббускор томонидан жами 92 та умумий қиймати 40,78 млн. АҚШ доллариллик (банк кредити 14,3 млн. АҚШ доллариллик) лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, жорий йилда вилоятдаги банklar tomonidan ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш ҳамда уларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида тўлов-контракт асосида ўқишга кирган жами 2 864 нафар талабага 15,4 млрд. сўмдан ортиқ таълим кредитлари ажратилди.

Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори банк хизматлари ривожидан муҳим роль ўйнади. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилдики, натижада аҳолининг банklarга бўлган ишончи янада ортди.

Ҳозирги кунда вилоятда 18 та тижорат банкининг жами 78 та филиаллари, 112 та минибанклари, 98 та халқаро пул ўтказмалари, 93 та валюта айирбошлаш шохобчалари фаолият кўрсатиб келаётган бўлиб, мазкур банк инфратузилмаларида жами 4 400 нафардан ортиқ ходим аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун ҳаракат қилмоқда.

Жорий йил қарор доирасида вилоятда қўшимча

равишда бешта янги минибанкнинг фаолияти йўлга қўйилди. Ургут туманида эса «Ҳамкорбанк» АТБнинг янги филиали иш бошлади. Шу кунларда Туркиянинг «Зираатбанк»и Самарқанд филиали фаолиятини йўлга қўйиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Қарор ижроси доирасида банк хизматлари истеъмоладчилари, вилоятга ташриф буюрувчи меҳмонларга қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида қўшимча банкومات, инфокиоска ва автоматлашган валюта айирбошлаш шохобчалари янгидан ташкил этилди. «7/24» режимида ишловчи ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи марказларнинг ташкил этилгани эса аҳоли учун кенг қўлайликлар яратди.

Бу каби янгилликларни кириб келаётган 2019 йилда ҳам давом эттириб, бор имкониятларимизни юртимиз раванқи, халқимиз розилиги ва уларнинг турмуш фаровонлиги йўлида сафарбар этамиз.

**Қанюмжон СОБИРОВ,**  
Марказий банкнинг Самарқанд вилояти  
Бош бошқармаси бошлиғи





## ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

## ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ РЕЖАЛАР БИЛАН

2018 йил барча соҳалар учун янгиланиш ва юксалиш йили бўлди. Айниқса, банк тизимида амалга оширилган ислоҳотлар республикамизнинг иқтисодий ривожланишига хизмат қилаётир. Бу борада Наманган вилоят банкларида ҳам ижобий натижалар эришилмоқда.

Жорий йилда вилоят тижорат банклари томонидан кичик бизнес: субъектларига 1451,6 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 1,8 баробарга ўсган), шундан, саноатга 555 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига 329 млрд. сўм, хизмат кўрсатишга

321 млрд. сўм, тадбиркор аёлларга 100,9 млрд. сўм, ёшларга 100,9 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги 271 та лойиҳага 1164,5 млрд.

сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилиб, икки ярим мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Қайд этиш жоизки, вилоят банклари давлат дастурлари ижросида ҳам фаол иштирок этаётгани лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга ошишида муҳим роль ўйнамоқда. Жумладан, "Обод қишлоқ" давлат дастури учун 7,7 млрд.сўм, маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этишга 3,0 млрд.сўм, мини-маркетлар қурилишига 2,3 млрд.сўм ва кўп қаватли уйларни таъмирлаш учун 2,4 млрд сўм кредит маблағлари ажратилгани ҳудудларнинг обод бўлишига ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.



"Ҳар бир оила – тадбиркор" давлат дастурига асосан, вилоят тижорат банклари томонидан аҳолига имтиёзли кредитлар бериш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилган. Жумладан, шу кунга қадар вилоят банклари томонидан тўққиз мингдан ортиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган фуқароларга 105 637 млн. сўм, шундан, қишлоқ хўжалиги йўналишига 69 080 млн. сўм ҳамда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш йўналишларига 13 068 млн. сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар ажратилгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Қолаверса, вилоятда хунармандчиликни янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Имтиёзли кредитлар ҳақида сўз кетганда, Президентимизнинг 2018 йил 26 апрелдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори асосида ҳам томорқа ер эгаларига берилаётган молиявий кўмакларни ҳам қайд этиш даркор. Унга мувофиқ, вилоят тижорат банклари томонидан 276 та томорқа ер эгаларига 6944 млн. сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилган.

Йил давомида амалга оширилган яна бир муҳим йўналишлардан бири бу – мактабгача таълим тизimini янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлардир. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелдаги "Мактабгача таълим тизimini янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, вилоятда 30 та мактабгача таълим муассасига 20,2 млрд.сўм (Ипак Йўли банк -10 Капиталбанк – 20 тага 13,6 млрд.сўм) кредит ажратилиб, бола-жонларимиз учун замонавий, шинам ва қулай бўлган боғчалар барпо этилаётир. Вилоятда амалга оширилаётган бундай муҳим лойиҳалар ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Мана халқимизга тинчлик ва фаровонлик бахш этган 2018 йил билан ҳам хайрлашиш фурсати етди. Янги – 2019 йилни барча соҳа ходимларни каби вилоятимиздаги банк жамоалари ҳам янги орзу-режалар билан қарши оляпти. Бу мақсадлар замирида халқимиз фаровонлиги ва юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишдек, эзгу ниятлар мужассам.

**Музаффар ИШОНХОДЖАЕВ,**  
Марказий банкнинг Наманган вилоят  
Бош бошқармаси бош ҳисобчиси

## Реклама



## ХАЛҚ БАНКИ

**Акциядорлик тижорат  
Халқ банки жамоаси  
Янги 2019 йил билан  
барча юртдошларимизни  
муборакбод этади!**

**Шу фурсатдан фойдаланиб  
Халқ банки қулай ва даромадли бўлган**



**муддатли омонат турини  
таклиф этади!**

**Шартлари:  
фоизи – йиллик 20%;  
муддати – 6 ой;  
минимал миқдори:  
100 000 сўм.**

**Омонатга маблағлар нақд ва пластик  
карталар орқали қабул қилинади.  
ҳисобланган фоизлар эса Сиз истаган усулда  
ойма-ой тўлаб берилади.  
Унутманг, Халқ банкидаги маблағингиз ишончли  
сақланиши давлат томонидан кафолатланади.**

**Қўшимча маълумотларни банкнинг ҳудудий  
филиалларидан олишингиз мумкин.**

📍 100096, Toshkent sh.,  
Qatortol ko'chasi, 46

☎ +998 71 200-00-55

✉ @xalqbanki

🌐 www.xb.uz

✉ info@xb.uz





## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ДЕПОЗИТ АУКЦИОНЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Аукцион ўтказилган сана	Депозит муддати	Чегириш ставкаси	Ўртача тортилган фоиз ставкаси	Иштирок этган банклар сони	Банклар томонидан таклиф этилган минимал фоиз ставкаси	Банклар томонидан таклиф этилган максимал фоиз ставкаси	Банклар томонидан таклиф этилган маблағлар миқдори (млрд. сўм)	Жалб қилинадиган маблағларнинг максимал миқдори (млрд. сўм)	Жалб қилинган маблағлар миқдори (млрд. сўм)
19.12.2018	2 ҳафта	14,99%	14,65%	10	14,40%	16%	383	120	120
12.12.2018	2 ҳафта	16%	16%	7	16%	16%	346	400	346
12.12.2018	1 ой	17%	17%	3	17%	17%	103	200	103

Реклама

### QQB | QISHLOQQURILISHBANK

Барча юртдошларимизни  
кириб келаётган

**Янги – 2019 йил**

билан самимий муборакбод  
этамиз!

Сизларга мустаҳкам  
соғлиқ, оилавий бахт,  
тинчлик ва фаровонлик  
тилаймиз!



**ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ, МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚУЙИДАГИ  
ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:**

**“Инсон манфаати” –**

омонат муддати – 13 ойдан 25 ойгача,  
фоиз ставкаси йиллик 19 %.

**“Жонажон Ватан” –**

омонат муддати – 7 ойдан 13 ойгача,  
фоиз ставкаси йиллик 17 %.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги  
омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

**“Қишлоқ қурилиш банк” – фаровон ҳаётингиз хизматида!**

(78) 150-72-58, 150-93-39

www.qqb.uz



### ХАЛҚ БАНКИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Акциядорлик тижорат  
Халқ банки хорижнинг  
етақчи молия муассаса-  
лари билан кенг қўламли  
ҳамкорлик алоқаларини  
мустаҳкамламоқда.



Яқинда ана шундай сермазмун  
учрашув АТ Халқ банки ва Италия-  
нинг “SACE” экспорт кредит агент-  
лиги ўртасида бўлиб ўтди.

Мазкур учрашувда Ўзбекистон-  
Италия ўртасидаги савдо битим-  
ларини яхшилаш, яъни Италияда  
ишлаб чиқарилган товарларни со-  
тиб учун республикаимиз тадбиркор-  
ларига молиявий кўмак сифатида  
банк томонидан жалб этилаётган  
кредит ресурсларини суғурталашга  
келишиб олинди.

Маълумки, акциядорлик тижор-  
рат Халқ банки хорижнинг етак-  
чи банкларининг кредит линиялари  
ёрдамида юртимизда чорвачилик  
соҳасидаги қатор лойиҳаларни мо-  
лиялаштириб келмоқда.

Яқинда яна бир йирик хори-  
жий инвестицияни жалб этиш  
мақсадида акциядорлик тижорат  
Халқ банки ва Осие тараққиёт бан-  
ки (ОТБ) вакиллари ўртасида учра-  
шув бўлиб ўтди.

Унда Осие тараққиёт банки томо-  
нидан республикаимизга 2019 йил-  
да чорвачилик соҳасини ривожлан-  
тириш учун ажратилиши режалаш-  
тирилган кредит линияси бўйича  
ҳужжатлар алмашинувига келишиб  
олинди.



## БАЙРАМ ТАДОРИГИ

## БАРЧАСИ БОЛАЖОНЛАР УЧУН

Янги йил арафасида ҳар бир бола Қорбободан ўзи орзу қилган совғани олишни истайди. Шунинг учун ҳам барча кичкинтойлар бу ёқимли ва қувончли байрамни интиқлик билан кутади.



иринтойларнинг ана шу ниётларини амалга ошириш мақсадида "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки томонидан "Камалак" ногирон болалар уйида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ва ногирон болалар учун анъанавий тарзда хайрия тадбири ташкил этилди.

Маълумки, ушбу байрам шодиёналари Қорбобо ва Қорқиз, севимли эртақ ва мультфильм қахрамонларисиз ўтмайди. Мазкур байрамда ҳам ана шу қахрамонларнинг иштироки болажонларга бир

олам қувонч улашди. Айниқса, уларнинг бир-бирдан ажойиб чиқишлари кичкинтойларни эртақлар оламига етаклади. Байрамда янграган жозибали куй-қўшиғу рақслар эса уларни янада шодлантирди.

– Банкимиз раҳбарияти ташаббуси билан бу каби хайрия ишлари доимий тарзда ташкил этилиб, Янги йил арафасида хайрия байрамларини уюштириш анъанага айланган. Бугунги тadbирдан кўзланган асосий мақсадимиз ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари ва ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга қувонч улашишдан иборат бўлди, – дейди "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки Ишлар бошқармаси департаменти директори Сарвар Муродов. – Зеро, муҳтож оилалар ва ногиронлиги бўлган кишиларга кўрсатилган хайр-саховат, меҳр-оқибат, силаи раҳм каби улугъ фазилатлар доимо инсонга зийнат бўлиб келган.

Кўтаринки руҳда ўтган тadbирда болажонларга банк томонидан тайёрланган турли совғаларнинг улашилиши уларни чексиз қувонтирди.



Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси эканлигини англашиш мақсадида кўплаб ижобий ишлар қилинаётир. Айниқса, Президентимизнинг "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Фармонидан сўнг юртимизда инсон омилига бўлган эътибор янада кучайди. Мазкур байрам тadbiri ҳам ана шу ишларнинг узвий давоми бўлди.

Сабоҳат ҲАЙИТҚОРИЕВА

Реклама

**TRASTBANK**

**“Трастбанк” ХАБ  
ЖАМОАСИ**

*барча юртдошларимизни кириб келаятган  
Янги йил билан муборакбод этади.  
2019 йил халқимиз учун муваффақият  
ва тараққиёт йили бўлсин.  
Банк жамоаси хонадонингизга  
тинчлик-хотиржамлик,  
файзу барака тилайди.  
Юртимиз янада равнақ топиб,  
гуллаб-яшнайверсин!*

**“Трастбанк”  
Ишонч билан юзма-юз!**

www.trustbank.uz  
Тел.: +99878 140-00-88



**ALOQABANK**

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

*АТ «Алоқабанк» жамоаси барча юртдошларимизни кириб келаётган янги йил байрами билан табриклайди! Кириб келаётган 2019 йилда барча эзгу тилакларингиз амалга ошишини тилаймиз!*

*Байрам муносабати билан АТ «Алоқабанк» мижозларга муддати 13, 25 ой бўлган «АКТИВ» номли омонат турини таклиф қилади.*

Фойизи:

**19%-20%****Маблағларингизни самарали жамғаринг!**



## БАЙРАМ ШУКУҲИ

**Я**нги йил!.. Чор атрофда байрам шукуҳи. Барчанинг юзида табассум...

Кучалардан тортиб, уй тўригача жилвакор арчалар безалган. Аслида, байрамни уларсиз тасаввур этиш ҳам душвор. Арча безатишнинг эса завқи узгача.

Бугун мана шу анъана — арча безатиш қачон ва қандай вужудга келгани ер юзи аҳолиси қачондан бошлаб байрам арчасини безай бошлагани ҳақидаги маълумотлар билан ўртоқлашамиз.

**Миш-миш...**

Эмишки, арчани безатиш удумининг тарихи қадим герман қабилаларига бориб тақалади. Совуқ ўлкаларда яшовчи аҳоли арча дарах-

**БАЙРАМ АРЧАСИ ВА ҚОРБОБО ТАРИХИ**

тини ажални енгувчи тимсол сифатида қабул қилиб, ўз бошпаналарини ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш ниятида уни турли буюмлар билан безаганлар. Уларнинг фикрича, йилнинг тўрт фаслида ҳам ўз рангини ўзгартирмасликка, бир неча авлодлар умрини яшай олишга қодир арча шохларига фаришталар қўнган эмиш.

**Аслида-чи?**

Тарихий маълумотларга қараганда, дастлаб бу анъана XVII аср бошида Германияда, немис хонадонларининг бирида пайдо бўлган.

Ўша оила соҳиби қайин дарахти шохларидан қирқиб олиб, туғилган кунларда, байрамларда меҳмон кутиладиган хоналарни безатаркан. Бора-бора бу одат шу хонадонга меҳмон бўлиб келувчиларга ҳам сингибди.

Орадан ярим аср ўтиб, кишилар Янги йил байрамида хонадонларини қайин дарахти эмас, йил давомида рангини ўзгартирмайдиган арча шохлари билан безашга одатланишди.



Аваллари қайин шохлари учи пастга қаратилиб, шифтга илинган бўлса, энди арча шохлари турли ширинликлар билан безатиладиган бўлди.

Маълумотларга қараганда, дастлаб 1750 йилда немис хонадонларида арча шохлари байрам безаги деб тан олинган бўлса, орадан 50 йил ўтиб, бу анъана қўшни Австрия, Норвегия, Швеция мамлакатларида пайдо бўлган.

Манбаларда келтирилишича, Англияда яшаётган немис маликаси арча шохларини ширинликлар билан эмас, қўлда ясалган ўйинчоқлар билан безашни таклиф қилади ва шундан сўнг Германия ва Европанинг бошқа ҳудудларида ҳам арчани ўйинчоқлар билан безай бошлашади.

Арча безатиш анъанасидан рус подшоси Пётр I хабар топгач, у «бутун рус ўлкаси бўйлаб барча хонадонларда арча шохлари безатилсин, кишилар бир-бирини Янги йил билан табрикласин», дея фармойиш беради.

**Қорбобонинг “туғилиши”**

Орадан йиллар ўтиб эса рус ёзувчиларидан бири болалар учун «Иреней бобо» эртақлар тўпламини чоп эттиради. Болалар тилидан ёзилган фантастик сюжетлар ҳатто катталарни ҳам қизиқтириб қўяди. Эртақлардан бирининг қаҳрамони Аёзбобо Иванович исми отахон бўлиб, у қордан ясалган уйчада яшайди. Оппоқ момик қорли тўшақда ухлайди.

Кейинчалик рус эртақчилари ўз китобларида Аёзбобо образини Қорбобо образига ўзгатиришади. Вақт ўтиб, Қорбобо меҳмон сифатида безатилган арча атрофида пайдо бўла бошлади. Эртақлардаги фантастик қаҳрамон энди жонли Қорбобога айланади. У эғнида қордек оқ кийим, қизил қалпоқ, оппоқ соқоли, елкасида совға тўла копи билан хонадонларга кириб боради.

Илк бор 1935 йилда Қорбобо ёнида Қорқиз пайдо бўлди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия саноатида шиша ишлаб чиқариш кенг тус олгач, Рус диёри ва Европа мамлакатларида арча ўйинчоқлари шишадан ясаладиган бўлди. Шу тарихи арча ўйинчоқлари чироқ нурларида ял-ял товланиб, кўзни қувнатадиган кўринишга келади.

**Ўзбеклар қачондан байрамни нишонлашган?**

Арча байрамни нишонлаш анъанаси Ўзбекистонга 1920 йилда кириб келган. Ўша даврдан буён арча безатиш, Қорбобо ва Қорқизнинг болажонларга совғалар улашиши болалар боғчаларида, мактаблар, катта-кичик ташкилотларда одат тусига кирди.

М.ПҲЛАТОВА тайёрлади

**Реклама**

**МИКРОКРЕДИТБАНК**  
акциядорлик тижорат банки

*«Микрокредитбанк» АТБ барча юртдошларимизни Янги 2019 йил билан самимий табриклайди!*

*Фурсатдан фойдаланиб,  
«Микрокредитбанк» АТБ  
«МКВ Mobile» мобилъ иловаси  
орқали йиллик  
**20%ли**  
«Barqaror-online»  
омонатини таклиф этади.*

**«МКВ Mobile» — замонавий, тезкор ва қулай!**

www.mikrokreditbank.uz  
mikrokreditbank.uz  
t.me/mikrokreditbank  
@mikrokreditbank

**Тел.: 71-202-99-99**

Хизматлар лицензияланган





Реклама

**TURON BANK**

**«Туронбанк» АТБ** жамоаси  
жонажон халқимизни кириб келаётган  
*яни 2019 йил*  
билан самимий муборакбод этади. Юртимиз равнақи  
ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган барча  
эзгу ишларига улкан зафарлар тилайди.  
Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик ва саодатли  
кунларимиз барчамизни ҳеч қачон тарк этмасин!

**Байрам муносабати билан**  
«Туронбанк» АТБ томонидан кўп функционалли, автомат-  
лаштирилган **валюта айирбошлаш банкоматлари ишга**  
туширилди.  
Ҳозирги кунда Республиканинг барча вилоятлар марказ-  
ларида валюта банкоматлари банк филиаллари ва аҳоли  
гавжум жойларда тўлиқ **24/7 режимда** аҳолига нақд валюта  
айирбошлаш хизматларини кўрсатмоқда.

*Туронбанк - Барқарорлик белгиси!*

Call-центр: **99895 144-60-00**  
[www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz) Хизматлар лицензияланган

## ЯНГИ ЙИЛ ҲАВИЛЛАРИ

1 январь тонги. Дорихонага келган болакайдан дорихоначи аёл сўраяпти:  
– Сен ҳам дорилар рўйхати билан келдингми?  
– Ҳа, – шошиб жавоб берди болакай.  
– Тушунарли, қоғозчани кўрсатмасанг ҳам бўлади: бош оғригини қолдирувчи дори ва фаоллаштирилган кўмир.



\*\*\*

31 декабрь, кечкурун.  
Ойижон, 11:30 да "Янги йил! Янги йил!" деб бақирайлик.  
– Нима учун, қизалоғим?  
– Қўшниларибиз Янги йил бизниқига олдинроқ келди, деб ўйлашсин.

\*\*\*

1 январь тонги. Меҳмонга йўл олган уй бекасининг ухлаётган турмуш ўртоғига хати: "Янги йилингиз билан! Овқатлар музлатгичда. Музлатгич эса ошхонада".

\*\*\*

31 декабрь. Оптимист "Янги йил эски йилдан-да яхши бўлади!" Пессимист: "Янги йил эски йилдан-да ёмонроқ бўлади". Реалист: "Оббо, яна тўйиб овқат еб қўяман..."

\*\*\*

– Дада, топинг-чи, қайси поезд кеч қоляпти?  
– Қайси бири, болам?  
– Сиз ўтган Янги йилда менга совға қилмоқчи бўлган поезд-да, дада!

## ТАХРИРИЯТДАН

Ҳурматли газетхонлар! Газетамизнинг 2019 йил 1-сонини 10 январда чоп этилади. Унда сиз 2018 йил давомида "Банк ахборотномаси" газетасида чоп этилган меъерий ҳужжатлар рўйхати билан танишиш имкониятига эга бўласиз. Фурсатдан фойдаланиб, "Банк ахборотномаси" янги – 2019 йил учун обуна бўлишга улгурмаган муштарийларимизга эслатиб қўймоқчимиз: **Обуна давом этмоқда!**

Тахририятнинг қуйидаги телефон рақамига ўзингизни қизиқтирган барча саволлар бўйича мурожаат қилишингиз мумкин.

Телефон: 71 232-45-32

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМҚОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

"Norma Hamkor" МЧЖ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Р.О.ОХУНОВ

Нашр учун масъул

Б. МУҲАММАДИЕВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Газета тахририятнинг  
техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, "Туркистон-пресс" НАО

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: [info@banknews.uz](mailto:info@banknews.uz),

[www.banknews.uz](http://www.banknews.uz)

Реклама ва эълонлар учун

71 232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 71 232-43-98.

Нашр индекси – 102.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлғамалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кuni чиқади.

Буюртма № г 1289.

Адади 3054 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 3 шартли босма табоқда

чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 26.12.2018 й., 9.00.

1 2 3 4 5